



2014 год – Год здорового ребёнка

ОБЫЧНО РАЗВИТОЕ ПОКОЛЕНИЕ –
УСЛОВИЕ СТАБИЛЬНОГО РАЗВИТИЯ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

ТАШКЕНТ

СОДЕРЖАНИЕ

Джураев Р.Х., Ходжаева З. Разновидности современных интерактивных досок.....	4
Абдуллаев А.А. Баркамол авлодни тарбиялашда соғлом турмуш тарзини шакллантириш самарадорлигини ошириш.....	9
Абдуллаева М., Абдуллаев Д. Оила – эстетик тарбиянинг асосидир.....	10
Абдуллаева Н.М. Синфдан ташқари ўқиш дарсларида ўқувчиларнинг мустақил ўқиш малакасини такомиллаштириш.....	13
Abdunazarova N.M. Maxsus fanlar bo'yicha mashg'ulotlarda zamonaviy ta'lim metodlarini qo'llash.....	16
Абдурахманов Ю.Б., Искандаров Н.Ш. Курашчиларнинг спорт формасини такомиллаштириш.....	18
Абдусаматова Н. Мактабгача таълим ёшидаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиясида интеграциялашган таълимнинг ўрни.....	21
Азимова У.О. Талабаларга инглиз тилини ўргатишда интерфаол методлардан фойдаланиш йуллари.....	23
Акбарходжаева Д.Э. Кимё фанининг шаклланиш асослари.....	26
Алиева У.М. Разработка фрагментов урока по изучению биографии Миханла Александровича Шолохова.....	29
Арипова Д.Р. Педагогик қарашларнинг таълим жараёнидаги аҳамияти.....	31
Арипова М., Исамова Н., Силкина Т. Ватан равнақида диний таърифат ва маънавий-ахлоқий тарбиянинг тугган ўрни.....	33
Асранбоева М. Касбий фаолликтаги психик зўриқишлар ва уларни бартараф этиш усуллари.....	40
Асқарова Ҳ., Усмонова М. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга самарали тайёрлашнинг янги анъаналари.....	43
Атаханова Г. Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришнинг самарали усуллари.....	46
Аҳмедова Н.Қ. Умумий ўрта таълим мактаблари раҳбарлари касбий компетентлигини компонентлари.....	49
Бобоев Ф. Бошланғич таълимда инновацион технологияларнинг ўрни.....	57
Boltaboev G. Kollej o'quvchilarini sport musobaqalari orqali milliy g'ururni tarbiyalash yo'llari.....	59
Valixodjayeva N.R. Mikrobiologiya va ekologiya.....	62
Давлатова Л.Т. Адаптив жисмоний тарбияда болалар церебрал фалажи.....	64
Даниярова И.Х. Тирик табиат бурчагининг тарбиявий аҳамияти.....	69
Джалолов Б.Б., Сайдуллаев С.З. Шахсда ахборий ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг педагогик муаммолари.....	71
Жалилова Ш.А. Геометрия фанидан маълумотнома яратиш бўйича лойиҳа топшириғи.....	74
Зупарова М.А. Клиник фанларни ўқитишда педагогик технологиялар – муваффақият омили сифатида.....	77

Исамова П.Ш., Арипова Ш., Абдужаббарова М., Силкина Т.	
О формировании семейных духовно-нравственных ценностей у молодежи.....	79
Исакулова Н. Ўқитувчиларнинг орасида номоддий маданий меросни тарғиб қилиш масалалари (халқ миллий ўйинлари мисолида).....	84
Искандаров Ш.А. Ўзбекистон арабларининг таъзия билан боғлиқ маросимлар.....	88
Isoqova X. Iqtidorini o'quvchilar kasbga yo'naltirishda fan to'garaklarining o'rni.....	92
Казакова И.М. Развитие образования в Государственной программе «Год здорового ребёнка».....	94
Календарова З.К. Бошланғич синф ўқувчиларининг коммуникатив саводхонлигини таъминлашга хизмат қиладиган дарс материалларини танлашнинг ахамияти.....	96
Калинина О.Н. Развитие речемыслительной активности студентов в процессе обучения русскому языку как неродному.....	99
Кагахонова Ш.М. Maxsus fanlarni o'qitishga zamonaviy yondashuv – samaradorlik onili sifatida.....	102
Kosimova D.X., Kuchkarova N. Mehribonlik uyi tarbiyalanuvchilarini hayotga moslashtirishda ijtimoiy pedagogning o'rni va vazifalari.....	105
Козимова Э. Халқ ижодиёти сарчашмалари.....	109
Komilova F. O'zbek xalq pedagogikasi va nafosat tarbiyasi.....	113
Кошелева А.Ф. Точность, выразительность, лаконичность как основа речи педагога.....	115
Курбанова З., Ирисбоева Қ. Бўлажак педагог касбий тайёргарлигида мулоқот компетентлигининг ахамияти.....	119
Кусанова У. Некоторые вопросы обучения рецептивным видам речевой деятельности.....	123
Мадьярова С.А., Сайитов Ф.И. Инновации в мировой педагогике.....	126
Менликулова А., Махмутова К.И. Қазіргі таңдағы педагог-психолог қызметі.....	129
Миргиязова М.М., Кусанова У.М. Чет тил ўқитиш методикасида замонавий ёндашув.....	134
Mullayev D. Botanikani o'qitishda innovatsion texnologiyalardan foydalanish.....	138
Mullayev D., Halilova L. Zoologiyani o'qitishda innovatsion texnologiyalardan foydalanish.....	140
Муратова Д. Определение, причины и признаки педагогической запущенности.....	142
Мусурмонова О.Ж. Ўқувчиларда касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантириш орқали касб танлашга тайёрлаш.....	144
Мусурмонова Ў.К. Узлуксиз инглиз тили таълими жараёнини такомиллаштириш масалалари.....	147
Мо'минова М. Tibbiyotda etika va deontologiya.....	150
Нарметова Ю.К. Онкологик беморлар оила аъзоларининг	

дона япалоқ, ясси, силлиқ тош, ошиқ, иккита юмалоқ тош, рўмолча)дан фойдаланилди.

ЎЗБЕКИСТОН АРАБЛАРИНИНГ ТАЪЗИЯ БИЛАН БОҒЛИҚ МАРОСИМЛАР

Ш.А.Искандаров, Низомий номидаги ГДПУнинг
катта илмий ходим-изланувчиси

Маълумки, инсон ҳаётида таъзия¹ маросими ўзига хос ўринга эга. Ўзбекистон ҳудудда истикомат қилиб келаётган халқларнинг урф-одат анъанавий ва мотам маросимини тадқиқ этиш бугун кундаги долзарб масалалардан биридир. Халқмизнинг турли маросимларини ўтказишда кишлоқ, маҳалла жамоанинг ўрни бекиёсдир. Жумладан, юртбошимиз И.А.Каримовнинг: “Ўзбек халқи азалдан жамоа туйғусига мойил, бизлар тўйда ҳам азада ҳам ёнма-ён туриб, оддий кунларда ҳам бир-бирининг ҳолидан хабар олиб, каттанинг ҳурматини кичикнинг иззатини жой-жойига қўйиб, бева-бечораларнинг етим-есирларнинг бошини силаб, хуллас одамгарчиликни барча нарсадан устун қўйиб яшаган инсонларнинг фарзандлари бўламиз” [1, 10]. – деб таъкидлашлари бежиз эмасдир.

Таъзия марҳумнинг қариндошларига ҳамдардлик жаноза кунидаёқ бошланган. яъни марҳум қабрга қўйилиб унинг қабри устида дуои фотиҳа ўқилгач таъзияда қариндош уруғ ва маҳалла жамоасини ўрни юқори туради.

Ўзбекистон арабларни таъзия маросим билан боғлиқ қарашларни илмий жиҳатдан таҳлил қилиш асносида таъзияда арабларнинг ўзига хос муҳим

¹ Таъзия (араб. – юпатиш, ҳамдардлик билдириш) – аядор кишига тасалли бериш, аҳвол сураш. Таъзияда марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига қариндошлари, дўст-ёрлари, кўшнилари, ҳам касблари томонидан ҳамдардлик билдирилади. Исламда марҳумнинг жаноза намозида, дафн маросимида қатнашиш, Таъзия билдириш савоб ишлардан ҳисобланади. Ислам таълимотига қара, мўминлар барчалари бир-бирлари ила биродардирлар. Бу биродарликни Қуръон оятлари ва Панҷамбар (ас) ҳадислари ҳам қўллаб-қувватлайди. Мўмин киши қанчалик солиҳ, эътиқодли, вибоғатли бўлса ҳам барибир гуноҳдан холи бўлмайди. Таъзияда мўмин 3 кун ичиде ўтказилиши шарт. баъзида таъзия билдириш мабодо бу уч кун ичиде Таъзия билдирувчиларимиз имконияти бўлмаса ёки таъзия билдирадиган биродар сафарда бўлса, бу муддидан сунг билдирса ҳам жоиздир.

жиҳати шундан иборатки, маросим катнашчилари устида турли хил ранг-баранг тўнлар бўлиб, уларнинг астар томони уст томонга қилиб кийилган.

Майитнинг жинозаси ўкилиб, кабристонга олиб кетганларида уйда қолган оила аъзолари уст-кийимларининг яна ўнг томонини кийганлар. Таъзиянинг иккинчи куни қариндошлар аза, очганлар кўк рангли матодан тикилган таъзия либосларини кийганлар, саллалар ҳам шу рангда бўлган. Кўк кийилган кундан эътиборан аза муддати тугагунча шу либосда юрилган.

Арабларда қора ранг ҳам мотам ифодаси саналса-да, кундалик ҳаётда уни кийиб юриш эп қўрилмаган. Эндиликда бўлса, қора рангнинг таъзиявийлик моҳияти йўқола бориб, кўпчилик эркак араблар таги қора гулдор чопонлар киядилар [2, 307]. Мотамда кўпунча рангсиз қора кийим кийиб келишади. Косон араблари таъзияга мос кўк кийимни марҳумнинг 20 синача кийган. Жумладан, Косон ва Шеробод арабларининг бир-бирига ўхшаш жиҳатлари кизил ва чиройли кийимини мотам маросимига кийиб боришмаган [3]. Хусусан, бу борада маҳаллий араблар компакт ҳолда яшовчи Қашқадарё вилояти Мирншкор тумани Жейнов қишлоғида яшовчи арабларининг дафн маросим ранг-баранг архенк урф-одатлари билан ажралиб туради. Жейнов арабларининг ўзига хос муҳим жиҳатларидан бири – бу дафн маросимида ўликни “газхона”дан чиқариш савоб деб таъкидланади [4]. Жумладан, таъзия маросимига келган марҳумнинг қариндошлари дарвозадан таъзияхонага, йиғлаб кирган ва мусибатда қолган кишиларининг бўйни қучиб йиғлаган. Қашқадарёда бу одат “бўйин олар” деб аталади [5, 36].

Ўзбекистон арабларида мотам маросим билан боғлиқ бир неча қарашлар шаклланган. Жумладан, Жейнов араблари таъзиясида майит чиқарилган хонадонда утказиладиган мандаб (гуянда) деб номланган маросим мавжуд.

Дастлаб, таъзия бўлган хонадонда майит мазорга олиб кетилгунча, сўнгра аса уч кунгача тонгда ва шомда таъзия эгалари ҳамда майитнинг яқин қариндошлари давра олиб йиғи қилишган. Яъний “вай, шоҳ Хисен, э воҳ, Хисен” – дея жўр бўлиб, кимдир кўкрагига, кимдир бошига ўриб йиғлайди.

Эътибор қилинг, майит аёл киши бўладими, эркакми ёхуд унинг исми қандай аталишидан катъи назар “вай шоҳ Хисен, э воҳ, Хисен” – деб мандаб айтилаверади (жўр бўлиб йиғланади). Берунийнинг таъкидлашича, шиялар “шаҳидлар сайиди”нинг ўлдирилганига ачинаиб, шу кунни доду фарёд қиладилар [6, 387]. Хисен шахс номи бўлиб, Хусайн сўзининг ерли аҳоли шевасидаги талаффуз шаклидир. Бу удум бизга дунё тарихидаги қонли воқеа – Қарбало фожиясини эслатади. Ўшанда Ҳазрат Алининг фарзанди, халифаликка асосий номзод Хусайннинг ўлдирилиши ушбу удумнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган ва араблар билан бизгача етиб келган. Мандабда Хусайннинг Шоҳ деб аталиши ҳам фикримизнинг далилидир.

Бу тўғрисида Насриддин Рабғузийнинг “Қиссаси Рабғузий” асариди битилган Имом Хусайн ва унинг 70 та сафдошининг тилка-пора қилиб ташланганини кўрган уларнинг қариндошлари бу мусибатга чидай олмасди: “Ҳай, шоҳ Хусайн, воҳ шоҳ Хусайн” – деб ўзларига азоб бериб, дод солиб йиғлаган [7, 214-215]. Таъзия маросимда бу жараёни бир неча асрдан бери арабларнинг анъанавий турмуш-тарзи урф-одатида ўз ифодасини топган.

Таъзияга келган ҳар бир киши марҳумнинг, яқинларига “бандачилик” сўзини айтишиб, ўз ҳамдардлигини изҳор этишган. Агар марҳум кечкурун ўлган бўлса, кечаси давомида ва эрталаб товуш чиқариб йиғлашган. Бу каби йиғлашни сабабини ахборотчиларимиз қўйидагича эътироф этишади, яъний марҳумнинг қариндош уруғлари турлича марсиялар айтиб марҳумнинг фазилатларини айтиб йиғлашган, шу тарика марҳумга ўз хурматларини бажо келтиришган. Бу марсиялар “йиғичи”, “гўянда” деб юритилган [8].

Марҳум туздан кейин ўлса, оғайнилари узоқда бўлса, эртасига кўмишган, жасадни бир кеча уйда сақлашган. Иложи борича маййит келгуси кунга қолдирилмаслигига ҳаракат қилинган, чунки “ўликнинг оғирлиги тушиши мумкин” дейилган. Таъзияга кишиларни айтиш, узоқ-яқинга хабарчилар юбориш, қабр қазувчилар тайинлаш ва бошқа ишлар режалаштирилган [9].

Марҳумлар дафидан кейин одат тусига айланган 3, 7, 20, 40, йил, ҳайит кунларидаги фотиҳахонлик каби маросимларни ўтказиш жараёни ҳам таъзия

билан боғлиқдир. Аслини олган диний таъзия маросим инсон ўлимдан сўнг уч кун ичида ўтказилиш шартдир. Дала тадкикотларини Бухоро, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё ҳудудларидаги араб кишлоқларида олиб борилди. Тадкикотлар даврида арабларнинг турмуш-тарзи урф-одат ва анъанавий маросимлари ва таъзия маросими билан боғлиқ жараёнлар таҳлил этилди.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш жоиз, Ўзбекистон арабларининг таъзия маросимида ўзига хос хусусияти, яъни махсус кийим, ашула айтиш, йиғлов (гуянда) кабилари билан бошқа халқлардан ажралиб туради. Жамиятдаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий тараққиётдаги кескин бурилишлар, ўзгаришларнинг юзага келиши, халқнинг анъаналари, урф-одатлари ва маросимларига таъсир этган бўлса-да, ўзлигини англаш, миллий кадриятларини қисман сақлаб қолган.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Истиклол йўли: муаммолар ва режалар. – Тошкент, 1993.
2. Ражабов Р. Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси. – Тошкент: Шарк, 2012; Насриддинов Қ. Ўзбек дафн ва таъзия маросимлари. – Тошкент: Мерос, 1996.
3. Дала ёзувлари. – Қашқадарё вилояти, Косон тумани. Арабхона маҳалласи, 2011.
4. Дала ёзувлари. – Қашқадарё вилояти, Миришкор тумани. Жейнов кишлоғи, 2011.
5. Насриддинов Қ.Н. XIX аср охири XX асрнинг 80 йилларида ўзбек халқининг анъанавий дафн маросимлари Қашқадарё вилояти маълумотлари асосида: Дис. ... қўлёзма. – Тошкент, 1995.
6. Беруний Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар // Танланган асарлар. – I т. – Тошкент, 1968.
7. Панжиев Н. Эзгу ишларга ҳамоҳанг маърифат гулшани // Қашқадарё газетаси. – Қашқадарё, 2010. – 9 февраль. – 12-сон.

8. Дала ёзувлари. – Сурхондарё вилояти, Бойсун тумани. Работ қишлоғи 2011.

9. Дала ёзувлари. – Сурхондарё, Қашқадарё. Бухоро, Навоий, Самарқанд вилоятлари, 2011-2012.

IQTIDORINI O'QUVCHILAR KASBGA YO'NALTIRISHDA FAN TO'GARAKLARINING O'RNI

X.Isoqova, NamDU magistranti

Yoshlarning o'z imkoniyatlari va qobiliyatlarini, bilim va intellektual salohiyatlarini to'liq namoyon etishlari hamda ulardan ijtimoiy hayotda o'rinli foydalanishlari uchun ta'lim tizimining asosiy bo'g'ini hisoblangan maktabning har bir bitiruvchisi, o'zining kelajak soha faoliyatini to'g'ri tanlashi va kelgusi ta'lim yo'lini belgilashi lozim. Bu jarayonda shaxsning o'z sohasining malakali mutaxassisi sifatida shakllanishida uning shaxsiy sifatleri birlamchi ahamiyatga ega bo'ladi.

Shaxsiy sifatlar esa individ dunyoga kelgandan so'ng oila va uzluksiz ta'lim tizini jarayonida ijtimoiylashib borishi jarayonida shakllantiriladi. Biz bugungi kunda o'rta maxsus kasb-hunar ta'limida o'smirlar qobiliyatlarini rivojlantirish texnologiyasini ishlab chiqishning boshlang'ish, tayانش nuqtasi kasbga yo'naltirish ishlarini to'g'ri tashkil etish deb bilamiz. Buning uchun o'smirning egallagan yoki shug'ullanayotgan kasbiy faoliyatini to'g'ri tanlanganligi va ayni paytda o'smirning o'zi kasbiy talablarga qay darajada javob bera olishi bilan belgilanadi.

Kasb-hunar ta'limi tizimi o'quvchilarini qobiliyatlarini va intilishlarini maqsadli rivojlantirish, olingan nazariy bilimlarni mustaxkamlash va amalda qo'llash ko'nikmalarini hosil qilish, kasbiy maxoratlarini oshirishga keng imkoniyatlar yaratish hamda o'quvchilarning tanlagan kasbiy yo'nalishlari bo'yicha mehnat bozoriga tayyorgarlik salohiyatini kuchaytirish vazifalari belgilangan.

Mazkur vazifalarni ijrosini ta'minlash, o'rta maxsus kasb-hunar ta'limi tizimida o'quvchilarning darsdan keyingi bo'sh vaqtlaridan unumli foydalanishni tashkil qilish uchun umumta'lim va maxsus fanlardan to'garaklar tashkil qilish ishlarini tartibga

talablarini qondirish, ularni ommaviy sport va jismoniy tarbiya – sog'lomlashtirish tadbirlariga jalb qilish o'quvchilar turizmini rivojlantirish, madaniy, musiqiy, estetik talablarini qondirish, xalq hunarmandshiligining milliy turlari va shakllarini o'rganish uchun to'g'ri tanlash ko'nikmalarini hosil qilish, olgan bilimlarini amaliyotga joriy etish, mavjud o'quv-texnologik jihozlardan samarali foydalanishga erishish hamda kasb-hunarga yo'naltirish maqsadida fan to'garaklarini tashkil etish maqsadga muvofiq.

To'garaklar uzluksiz ta'lim tizimini tarkibiy qismi bo'lib, o'quvchilarning bo'sh vaqtlarini mazmunli tashkil etishga, ularning umumta'lim fanlariga, kasb hunarga, ommaviy sport va jismoniy tarbiya sog'lomlashtirish tadbirlariga, badiiy havaskorlik estetik talablarni qondirishga qaratilgandir.

O'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalarida to'garaklarni tashkil qilishni asosiy maqsadi, o'quvchilarning darsdan keyingi bo'sh vaqtlarini mazmunli tashkil qilish, ularning qobiliyatlari va intilishlarini maqsadli rivojlantirish, olingan nazariy bilimlarni mustaxkamlash va amalda qo'llash ko'nikmalarini hosil qilish, kasbiy mahoratlarini oshirishga keng imkoniyatlar yaratish hamda tanlagan kasbiy yo'nalishlari bo'yicha mehnat bozoriga tayyorgarlik salohiyatini kuchaytirishdan iboratdir. To'garaklar turini tanlash va qatnashish o'quvchilar uchun ixtiyoriy bo'lib, uning to'garaklarga ishtirok etishi haqidagi og'zaki bildirishi yetarlidir.

To'garaklar mazmunan o'quvchilarning qiziqish va imkoniyatlari hisobga olingan xolda tashkil etiladi, ularga majburiy topshiriqlar berilmaydi. To'garaklar o'quv yili davomida faoliyat ko'rsatadi. To'garak mashg'ulotlarining jadvali o'quvchilarning jamoat ishlarida ishtirok etishi va dam olishlarini e'tiborga olgan xolda (ularning yoshi, fiziologiyasining o'ziga xosligi, sanitariya-gigiena) tuziladi.

O'quvchilarning to'garak ishlariga keng jalb qilish va qiziqtirish maqsadida ta'lim muassasasi ilmiy pedagogik kengashi qarori ostida to'garaklarga qatnashuvchi o'quvchilar o'rtasida tanlovlar tashkil qilinadi. To'garaklar mehnat bozori talablarini hisobga olgan holda buyurtmashi korxonalar, tashkilot, muassasalar hamda o'quvchilar ota-onalari ta'lim olayotgan yo'nalishlariga turdosh ta'lim yo'nalishlaridan chuqur bilim va ko'nikma berishi maqsadida ham tashkil etilishi mumkin.